

## МАКЕДОН КҮПРИГИ ТАРИХИ

Наркулова Зулайхо Абдусаматовна

Термиз археология музейи илмий ходими.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15210633>

**Аннотация.** Уибу мақолада Македон күприги ва күпприк билан боғлиқ бўлган тарих ҳамда илмий ва қизиқарли маълумотлар берилган.

**Калим сўзлар:** “Термиз-Душанбе”, (Александр Македонский), “Македон”, Д.Д.Букинич, Академик Э.В.Ртвеладзе ва З.А.Аршавскаялар 1974-1977, Абдуллахон II, Искандариоҳ, Б.Н.Кастальский, «Гишт күпприк», «Таш күпприк», «Искандар күпприк», «Македон күпприк», Искандархон.

## HISTORY OF THE MACEDONIAN BRIDGE

**Abstract.** This article provides the history, scientific and interesting information related to the Macedonian Bridge and the bridge.

**Keywords:** “Termez-Dushanbe”, (Alexander the Great), “Macedon”, D.D. Bukinich, Academician E.V. Rtveladze and Z.A. Arshavskaya 1974-1977, Abdullah Khan II, Iskander Shah, B.N. Kastalsky, “Gisht Bridge”, “Tash Bridge”, “Iskander Bridge”, “Macedon Bridge”, Iskander Khan.

## ИСТОРИЯ МОСТА МАКЕДОНСКИЙ

**Аннотация.** В этой статье представлена информация о Македонском мосте, а также об истории, научных и интересных фактах, связанных с мостом.

**Ключевые слова:** «Термиз-Душанбе», (Александр Македонский), «Македония», Д.Д. Букинич, академик Е.В. Ртвеладзе и З.А. Аршавская 1974-1977, Абдулла Хан II, Искандарах, Б.Н. Кастальский, «Кирпичный мост», «Каменный мост», «Искандерский мост», «Македонский мост», Искандар-хан.

“Термиз-Душанбе” халқаро магистраль йўлининг Қумқўрғон тумани худудидан ўтувчи қисмида, катта йўл ёқасида Македон қишлоғи бор. Қишлоқда тарихи бир неча асрларга бориб тақалувчи қадимий күпприк ҳам мавжуд. Маҳаллий аҳоли уни Искандар күприги деб атаб келади. Қадимий Термизни Чағониён ва Ҳисор билан боғлаб турувчи савдо йўлида Бандиҳонсой устида қурилган күпприкни маҳаллий аҳоли македониялик Искандар томонидан қурилган деб нисбат бериб келади.

«Йўловчи, транспорт ва сув ўтиши учун мўлжалланган бу иншоот ўтмишдаги аждодлар меъморчилик санъатининг ноёб дурданаси сифатида нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёхларда ҳам катта қизиқиш уйғотиб келади. Кенг ва баланд кўприк пишиқ ғиштдан юксак маҳорат ва дид билан барпо этилган», — дейилади хабарда.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Искандар (Александр Македонский) эрамиздан аввалги 327 йилда Термиз шаҳрини босиб олади ва унга Александрия номини беради.

Хуллас, ёдгорликнинг қисқача тарихи битилган лавҳага ёзиб қўйилганидек, уни Александр Македонский номи билан атасалар-да, лекин кўприкнинг Искандар Зулқарнайнга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аникроғи, ноёб ва мустаҳкам ушбу иншоот XVI асрда Абдуллахон даврида барпо этилган. Катта сув оқимига эга бўлган Бандиҳонсойда қад ростлаган бу иншоот бир пайтлар қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини кенг йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этган. Уни бунёд этишда пишган ғишт, алебастр, оҳак, қум каби қурилиш материалларидан фойдаланилган. кўприк бунёд этилган ҳудуд, яъни маҳалла нега “Македон” деб аталган? Бу саволга маҳаллий аҳолидан аниқ жавоб олиш қийин. Кенг ҳудудларни ўзлаштириш мақсадида ўтган асрнинг биринчи ва иккинчи чоракларида вилоятнинг турли жойларидан қўчириб келтирилган аҳоли бу ерни манзил тутиб, қишлоқлар бунёд этишган. Ўша пайтларда ҳам аҳолининг бу манзилгоҳи “Македон” деб аталган. Тарихчи Нозим Икромов фикрига кўра, асрлар давомида кўприк гоҳида Искандар кўприги, гоҳ македониялик Искандар кўприги номи билан аталиб келинган. Кейинчалик кўприкнинг номи ҳудуднинг номига ҳам кўчиб, “Македон” деб аталган бўлиши мумкин.

Ҳиндистон билан савдо-сотиқ алоқаларини боғлашда «Буюк ипак йўли»даги бу кўприк жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уни Александр Македонский номи билан атасалар ҳам, лекин кўприкнинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқ”. Кўприкнинг Македонскийга алоқаси бўлмаса-да, Искандаршоҳ сабабли ҳалқ тилида кўчиб юрган ривоятлар орқали бугун бир қишлоқ Македон номи билан юритилади. Ушбу ғишткўприк Александр Македонский ёшига teng 2300 йилларга бориб тақалмаса-да, унинг 500 йилдан ортиқ тарихи бор.

Кўприк қурилган жойда сой 20 метр кенгликка ва 10 метр чуқурликка эга дара ҳосил қилган. Кўприк Термиз билан Чагониён ва Ҳисорни боғлаб турган муҳим карвон йўлида қурилган.

Кўприкнинг илмий ўрганилишини 1900 йилда рус ҳарбий зобити Б.Н.Кастальский бошлаб берган. У ўрганишлари сўнгидаги бу иншоот қадимда акведук бўлган деган хulosага келган. Маълумки акведуклар жар ва шу кабиларнинг устидан олиб ўтиладиган осма нов ва ариқлардир. 1937 йилда кўприкни текширган Термиз археология комплекс экспедицияси ходими Д.Д.Букинич аксинча, бу иншоотни виадук яъни, сув ўтқазгич кўприк эканлигини ёзиб қолдирган. Унинг ёзишича, баҳорги сел оқими туфайли карвон йўлида ҳаракат тўхтаб қолмаслиги учун ана шундай кўприклар қурилган.

Академик Э.В.Ртвеладзе ва З.А.Аршавскаялар 1974-1977 йилларда уюштирган охирги илмий тадқиқот натижасида қадимда кўприк учта вазифани (кўприк устида транспорт ўтадиган йўл ва унинг икки ёнбошида йўловчилар ўтадиган йўлакча ва сув ўтиши учун нов) бажаргани аниқланди.

Ушбу иншоот ҳақида тарихий малумотлар сақланмаган. Атрофдаги оддий халқ эса бу жойни «Гишт кўприк», «Тош кўприк», «Искандар кўприк», «Македон кўприк» деб атаб келган. «Македон кўприк»нинг оммалашуви туфайли ҳатто кўприк яқинидаги қишлоқ ҳам «Македон» қишлоғи номини олган.Искандар кўпригининг қурилган даври номаълум. Лекин Бандиҳонсой устида қурилган кўприк Александр Македонский замонидан ўн тўқиз аср ўтгач, Бухоро хони шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II даврида (1557-1598 йиллар) отаси Искандар шарафига бунёд этилган ва маҳаллий авом аҳли томонидан Искандархон шарафига «Искандар кўприк» деб аталиб кетган. Йиллар ўтгач, оддий халқ кўприкни қурдирган Абдуллахонни ҳам унинг отаси Искандархонни ҳам унитишган.XVI асрда қурилган кўприк ҳам, унинг ёнидаги қишлоқ ҳам, машхур юонон лашкарбошиси Александр Македонский номи билан «Македон» бўлиб кетган.Абдуллахон II даврида қайта қурилган кўприкнинг умумий узунлиги 70 м, ўтиш қисмининг эни – 5,75 м, баландлиги – 12,1 м, равоқ қаноти – 5,8 м, пишиқ ғиштдан қурилган. Усти З қисм (йўловчи, транспорт ва сув ўтиши учун нов)дан иборат. Равоқ устунлари 1950 йилда ва сув ўтказиш учун нов 1927 йилда қайта таъмирланиб бетондан ишланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнида белгиланган топшириқларида “Искандар кўприги” тарихий ёдгорлик обьектида тиклаш ва реставрация қилиш ишлари ҳам киритилган. Республики бюджетидан 150 млн. сўм ажритилиши ҳақида кўрсатма берилган.

## REFERENCES

1. “МАКЕДОН” КҮПРИГИНИ КИМ ҚУРГАН? Қумкўргондаги Македон қишлоғи ва Искандар кўприги. Нега бу манзилни Искандар Зулқарнайнга боғлашади?  
Diyor24 Posted on May 21, 2020
2. Diyor24 Posted on Fevral 23, 2019 Сарвар ТЎРАЕВ
3. Diyor24 Iskandar ko‘prigi. Yunon sarkardasi Surxondaryoda ko‘prik qurbanmi? **Kun.uz** сўнги янгиликлар 12:27 / 18.03.202328822 Sardorbek Usmoniy
4. Сурхондарёнинг Қумкўргонидаги Македон кўпригини Искандар Зулқарнайн курдирганми? 05.02.2018, 23:20 28493

